



ЭГИЛМАГАН, БУКИЛМАГАН, СИНМАГАН!

1999 йил кузида Олий Судда Тошкент портлашлари юзасидан суд мажлисларидан бирига Мурод Жўраевни қўлларидан кишан билан гувоҳ сифатида олиб келишди. Мен Мурод акани, то судья исми-шарифини эълон қилмагунича танимадим.

Охирги марта уни 1994 йилда Туркияда кўрган эдим. Озиб-тўзиб кетган, фақат кулоқлари қолган эди, холос. Концлагердаги маҳбусларга ўхшар эди. Ҳақиқатда ҳам концлагер номини олган Жасликдаги қамоқхонадан олиб келинганди, адашмасам.

Судья исми-шарифини тасдиқлагандан кейин ундан: “Муҳаммад Солихни танийсизми?” деб сўради. Мурод ака “танийман”, деганидан кейин “қандай одам?” деб савол берди. Мен ҳозир томоша бошланса керак, Мурод акани Солихни ёмонлаш учун олиб келишган, деб турган эдим, Мурод Жўраев вазмин, ҳорғин бир овозда “Мен таниган Муҳаммад Солих миллатпарвар, ватанпарвар ва демократ одам” деб жавоб берди.

У “демократ” сўзига алоҳида урғу берди. Чунки Муҳаммад Солих террорчи сифатида айбланаётган эди. Ва “мени тўғри тушунинглар, мен 1994 йилдан бери қамоқдаман, ундан кейин ҳеч ким билан кўришмадим” деб қўшимча қилди. Судья гапни узатиб ўтирмади ва “олиб чиқиб кетилсин” деди. Мурод Жўраевнинг гувоҳлигидан ҳафсаласи пир бўлганини яшириб ҳам ўтирмади. Қайтага бунини залда ўтирганларга кўрсатишга ҳаракат қилди.

Мен суд жараёнларини кўп кўрган ва қамоқхоналардаги аҳволни яхши билсам ҳам, Мурод аканинг ҳолати менга ёмон таъсир қилди. Кўзимга ёш келди. Бошқалар кўриб қолмасин, дея тез-тез юриб, суд залидан чиқиб кетдим. Анча пайтгача ўзимга келолмай юрдим. Мурод ака ундан кейин ҳам қарийб 16 йил ўтирди. Эҳтимол, ана шу сўзлари учун ўтирди. “Ҳақиқат эгилади, букилади, синмайди”, деган мужмал гап бор. Бунини Абдулла Орипов “Ҳақиқат эгилади, букилади, синмайди, аммо

эгилиб, букилганда қобирғалари синиб кетади” деб янада мужмаллаштирган. (Шоир бунини 1987 йилда Наврўзни ёмонлаб қўйиб, кейин замон ўзгаргач, яна уни яхшилаш учун айтганди). Аммо мен ҳақиқатнинг эгилиб, букилиб, ўзбекча айтганда, куллуқ қилиб, чой ташиб юришини тасаввур ҳам қилолмайман.

Ҳақиқат эгилмайди ҳам, букилмайди ҳам, синмайди ҳам. Зотан, эгилиб, букилса, албатта синади. Бунга Мурод аканинг шунча йиллик қийноқ ва исканжалардан сўнг, Васила опага суяниб бўлса ҳам, қаддини тик тутиб тургани мисол. Аммо халқимизда бундан мантиқлироқ бошқа бир гап бор экан. Бунини 2013 йилда қамоқдан чиққан Мамадали Маҳмудовни кўргани борганимда кашф қилдим.

Мамадали акани Жиззахнинг чекка бир қишлоғидан яқин қариндошлари-ўзлари тенги бир аёл киши кўргани келди. Ва сўрашаркан, биринчи айтган гапи “ўша ерларнинг шўр тузини ялаб келдингизми?” деган гап бўлди. Менга бу сўрашиш жуда қизиқ, айти пайтда жуда ҳам ўринли туюлди. Халқимиз қанчалик доно!. Чунки 17 йил қамоқда ўтириб келган одамдан “яхши келдингизми?” деб сўраш ғалати. Аммо “шўр тузларни ялаб келдингизми?” деган гап жуда мантиқли эди.

Муродака ҳам 21 йил давомида не-не қамоқхоналарнинг шўр ва захарли тузларини ялаб келди. Оиласига қовушгани рост бўлсин!. Оллоҳ қамоқда ўтган умрини ҳам қўшиб берсин!. Бошқа сиёсий маҳбуслар ҳам тез орада озодликка қовушсин!

Пахлавон Содик

Марказий Осиёда илк демократик ва дунёвий давлат сифатида тақдим қилинган Туркистон мухторияти тузилган кунга 100 йил тўлди. 1917 йилнинг 27 ноябрида тузилган ва 1918 йилнинг февралига қадар 72 кун умр кўрган бу давлат большевиклар тарафидан тор-мор қилинган эди, дея хабар беради “Озодлик” радиоси.

Чор подшоши ағдарилганидан сўнг юзага келган вазият – мустақилликка чиқиш имкониятидан фойдаланиб тузилган минтақадаги илк демократик ва дунёвий тузилманинг 100 йиллиги Ўзбекистонда ҳеч бир тарзда нишонланмаётганидан тарихчи олимлар ва адабиётчилар таассуф билдирди.

Ҳатто Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтида ҳам бу сана ҳеч бир тарзда эсланмаётганини айтди шу институт илмий котиби “Озодлик” радиоси муҳбирига. Тошкентлик блоггер Жонузоқ Ҳалилнинг 27 ноябрь куни “Озодлик” радиосига билдиришича, «Расмий Тошкент ва илмий элита Россия раҳбариятига ёкмаслиги мумкин деган андиша боис» бу санани эсламаяпти.

Тошкентлик мунаққид ва блоггер Акмал Ризаев 27 ноябрь куни “Озодлик” радиоси муҳбири билан суҳбатда бундай деди:

– Ҳозир Ўзбекистонни бошқараётган Шавкат Мирзиёев ва бошқа мулозимлар ўтмишда коммунистик режим мулозими бўлишган. Шу боис, улар учун Кремлнинг Совет Ўзбекистонидagi дастёри, Ўзбекистонни руслаштириш сиёсатини амалга оширган Шароф Рашидов юбилейини ўтказиш комфортроқ. Туркистон мухторияти тузилган кунга 100 йил тўлганини эсламаслик – улар учун энг маъқули.

Миллий байрам

Ўзбекистонлик ношир Анвармирзо Ҳусайнов 27 ноябрь куни “Озодлик” радиоси муҳбири билан суҳбатда «Туркистон мухторияти тузилган кун ҳар йили Ўзбекистон миллий байрами сифатида нишонланиши шарт» деб ҳисоблайди:

– Тарих ҳақида сўз борганда «агар» деган сўз қўлланилмайди. Лекин айнан ўша 1917 йили Финляндия халқи ҳам Туркистон ўлкаси билан бир вақтда ўз мустақиллигини эълон қилган эди. Бугун Финляндия Европанинг энг тараққий қилган давлати сифатида



Ўзбекистон Туркистонни танимади

турибди. Ўша пайтда жадид оталаримиз оёғидан қадимчилар чалмаганида, миллий бирлик тимсоли бўлган Туркистон давлати сақлаб қолинганида қандай бўларди деб ўзимга савол берсам кўз олдимга ривожланган бугунги Финляндия келади, дейди Ҳусайнов.

Коммунизмга қарши бўлишган

Тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов жорий йилнинг 7 ноябрь куни “Озодлик” радиоси муҳбири билан суҳбатда 1917 йил ноябри охирида Қўқонда Туркистон мухторияти ҳукумати ташкил қилинганини, бундан кўрққан большевиклар тинч аҳоли қонини тўққанини эслатаркан:

– Бунинг сабаби нимада? Туркистон мухторияти ташкил этилгандан сўнг даставвал Наманганда, Марғилонда, Скобелевда (ҳозирги Фарғона), Самарқандда ва бошқа қўллаб-қувватлашга қаратилган митинглар ўтказилди. Уларда туб аҳоли большевизм ғоялари ва ҳокимиятини қабул қила олмаслиги ҳақида фикрлар билдирилган эди”, – деди олим.

Суҳбатдошга кўра, Туркистон мухториятининг ва Қурултой ишининг бугун тафсилотлари ўша даврдаги жадид газеталарида тарих учун муҳраб қўйилган.

– «Улуғ Туркистон» газетаси ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун босмаҳона мухторият молиявий қарамоғига олинди. Мухторият ҳукумати миллий кўшинни ташкил қилишга киришди. 1918 йил бошида бу кўшин сафларида бир мингдан ортиқ аскар бўлган. Ҳарбий вазир

Убайдулла Ҳўжаев иштирокида ўтказилган кўрик-парад вақтида аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан ташқари Қўқонда тахминан шунча миршаб бор эди. Ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдоридан ички заём чиқаришни йўлга қўйди. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият кўшинларининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди. Туркистон аҳолисига Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза мухториятга бағишлаб, шеърлар битишди. Фитрат мухторият эълон қилинган 27 ноябрь тунини «Миллий Лайлатул қадримиз» деб атади. Аллома Фитратнинг бу сўзларида олам-олам маъно мужассамлашган, деган эди тарихчи олим.

Туркистон ҳукумати таркиби

“Озодлик” радиоси суҳбатлашган тарихчилар таъкидича, Туркистон ҳукуматининг илк таркиби Чор даврида яхши таълим олган адвокат, молиячи ва ҳарбийлардан ташкил топган. Масалан, Мухториятнинг илк раиси ва ички ишлар вазири Муҳаммадjon Тинишбоев маҳаллий аҳоли ичидан етишиб чикқан илк темир йўл инженериدير. Гимназияни олтин медаль билан тугатган Тинишбоев Петербургда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

инженерлик дипломини олиб Ашхобод-Тошкент темир йўл қурилиш лойиҳасини бошқаради. Уша пайтда у Туркистон ўлкасидан Россия Давлат думасига депутат бўлган. Тинишбоев 1937 йилда “халқ душмани” тамғаси билан советлар тарафидан отиб ўлдирилди. Туркистон мухторияти президенти Мустафо Чўқай Чор даврида адвокат сифатида танилган эди.

1890 йил декабрида туғилган Мустафо Чўқай, Туркистон генерал-губернаторлиги маркази бўлган Тошкент гимназияларидан бирида ўқийди ва чўқайшуносларга кўра, талабалигиданок, ўзининг фавкуллода истеъдодини намоён қилади.

1913-14 йилларда Санкт-Петербургдаги император университетининг ҳуқуқшунослик факультетида таълим олган Мустафо Чўқай, кўп ўтмай Туркистон миллий озошлик ҳаракати етакчиларидан бирига айланади.

1917 йил февралда Чор империяси қулаши билан Мустафо Чўқай, босқинчилар бошқаруви остида ҳақсиз-ҳуқуқсиз қолган бугунги Марказий Осиё халқларини ягона Туркистон давлати остида бирлаштириш ғояси учун фаол ҳаракатга қиради.

Туркистон мухторияти большевиклар томонидан тор-мор этилади. Чўқай, хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлади ва Туркистон мустақиллиги учун курашини Франциядан туриб давом эттиради.

Советлар томонидан “халқ душмани” деб эълон қилинган Мустафо Чўқай, нафақат козоқ халқи, балки бутун Туркистон халқлари мустақиллиги учун курашган сиёсий арбобдир, деганди Мустафо Чўқай ҳаёти ва сиёсий фаолияти тадқиқотчиси Султонхон Жусуп 2010 йили “Озошлик” радиоси мухбири билан қилган суҳбатда.

– Мустафо Чўқайнинг бутун Туркистон халқлари тарихида тутадиган ўзига хос ўрни, унинг бу халқларни миллий давлатларга бўлмасдан, уларнинг ягона Туркистон байроғи остида бирлашишлари учун курашганидир. Бу унинг ўз умри охирига қадар содиқ қолган ғоясидир, дейди тадқиқотчи.

Мустафо Чўқай, 1941 йилнинг 27 декабрида Берлинда сирли тарзда

оламдан кўз юмди ва унинг ўлими ҳамон жумбоқлигича қолаётир.

Узоқ йиллик таъқиблардан сўнг, Мустафо Чўқай номи Қозоғистонда миллий қахрамон даражасига кўтарилган эса-да, тарихчи Султонхон Жусуп, агар Чўқай минтақанинг бугунги вазиятини кўрганда эди, ундан каттиқ азият чеккан бўларди, деган ишончда.

МОдаги илк дунёвий давлат

Санкт-Петербургда истикомат қиладиган ўзбек блогери Баҳром Раҳмоннинг 27 ноябрь куни “Озошлик” радиоси мухбирига айтишича, 1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида ўз қурултойини ўтказган мухторият «демократия принципларини илғари сурган дунёвий давлат» бўлган:

– Бу давлат таркибида ўша давр Туркистонда яшаган барча этник группалар вакиллари бор эди. У пайтда мен козоқман, қирғизман деб эмас, балки мен туркистонликман деб аташган ўзларини, дейди суҳбатдош.

Туркистон Мухториятининг илк раҳбарларидан бири Мустафо Чўқай (1890-1941) ўзининг «Туркистонда миллий озошлик ҳаракати» деган китобида эслашича, жадид зиёлилар миллий айримчилик, трайбализм ва диний экстремизм аломатларига қарши чиқишган:

–Туркистон жадидларининг отаси саналган Бехбудий ўз маърузасида, «Қурултойимиз қабул қиладиган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмокдалар», деган эди, деб ёзади.

Уша давр газеталари, хусусан Туркистон мухторияти молия вазири бўлган Соломон Герцфельд нашр қиладиган «Самарқанд» газетасида ёзилишича, «Бехбудий ва Обиджон Махмудов қурултой ҳайъатида мусулмонлар билан бир қаторда бошқа миллий гуруҳларнинг ҳам вакиллари бўлишини ёқлаб чиққан»

Қадимчилар жадидларга қарши

Ўзбекистонлик ношир Анвармирзо Хусаиновнинг айтишича « Қўқон мухторияти йўқ бўлишига диний муттаасиблар ҳамда большевиклар сабаб бўлган»

– Аввалига мухторият нима, давлат нимаю миллат нималигини билмаган диндор мутаасиблар Мухториятга қарши фитналар қилишиди. Бу фитналар ортидан пайт пойлаган большевиклар Қўқон шаҳрига қакшатқич хужум

уюштириб аҳоли қирғин қилинди. Шаҳар устига уч кун давомида тўплардан ёндирувчи снарядлар отилди. Мухторият мағлубиятига сабабчи бўлган Эргаш мулла қочиб қутулди, дейди Хусаинов.

Ўзбек блогери Баҳром Раҳмон Қўқон мухториятининг емирилишини бугунги кундаги воқеалар билаан таққослайди:

– Эргаш мулла бошчилигидаги диний мутаасибларнинг Мустафо Чўқай каби демократия тарафдорларига қарши чиқиб мухториятни заифлаштиргани менга бугунги воқеликни эслатди. Масалан, Сурия халқи Асад зулмига қарши кўтарилди. «Озод Сурия» деган демократик ташкилот тузилди. Лекин «Жабхатул Нусра» каби диний экстремистик гуруҳлар ўртага суқулиб кириб, салбий роль ўйнашди. Бу эса, оқибатда ИШИД террорчиларига имкон яратди. Пировардида Асад ҳукумати оёқда қолди. Бундан 100 йил олдин юз берган Туркистон мухториятни ҳам диний мутаасиблар заифлаштиргани болшевикларга қўл келди, дейди суҳбатдош.

Тошкентлик блогер Жознузоқ Халилга кўра, мухториятнинг халқ ўртасидаги обр-эътибори большевикларни ташвишга солиб кўйган ва улар 1918 йил февралда мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлаган:

– Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг «Дашноқутюн» партияси аъзоларидан тузилган курулли тўдалардан ҳам кенг фойдаланди, дейди суҳбатдош.

Суҳбатдошга кўра, болшевикларнинг Қўқонга ҳужумини бартараф қилиш учун маҳаллий жадидлар митинг қилиб чиқишган:

– Шундай митинглардан бири 1917 йилнинг 13 декабрида Тошкентда уюштирилди. Жадид бобомиз Бехбудий етакчилигидаги бу митинг Совет ҳукумати тарафидан аёвсиз бостирилди, дея эслатди блогер.

Айнан 13 декабрь Туркистон мухториятини тинч йўл билан сақлаб қолишга қаратилган сўнгги тадбирлардан бири сифатида тарихга кирди.

1953 йилда Туркистон миллий қўмитаси мурожаатига кўра, АҚШ Сенати 13 декабри Туркистон куни, деб эълон қилган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

2017 йилнинг 16 ноябр куни таниқли Тошкентлик адвокат Майоров Сергей Александрович (SIMAY.COM адвокатлик фирмаси) 159-модданинг 4-қисми билан айбланаётган журналист Абдуллаев Бобомурод Қодировичга нисбатан қўзатишган жиноят иши бўйича юридик ёрдам кўрсатиш учун МХХ тергов изоляторига ордер ва ариза тақдим қилган.

Бундан икки кун ўтиб адвокат 59-35-28 телефон рақами орқали гуруҳ терговчиси Веселов Александр Александрович билан боғланган ва ўз ҳимояси остидаги Абдуллаев Б.Қ. билан учрашув вақтини белгилашни сўраган. Терговчи адвокатнинг илтимосини, журналистнинг ишини олиб бораётган, МХХ катта терговчиси Тўрақулов Нодирга етказишга ваъда берган.

Афсуски, шу кунга қадар МХХ терговчиларига қилинган кўп сонли мурожаатлар жавобсиз қолмоқда. Шу вақт мобайнида адвокат ариза ва шикоятлар билан:

Ўзбекистон республикаси
Миллий Хавфсизлик Хизмати
тергов бошқармаси раҳбари
Бусигин О.В.

Ўзбекистон республикаси
Миллий Хавфсизлик Хизмати раиси
Иноятос Р.

Ўзбекистон республикаси Бош
Прокурори Абдуллаев Ихтиёр
Бахтиёрович

Ўзбекистон республикаси
президенти Мирзиёев Шавкат
Миромонович
ларга мурожаат қилган.

Аммо, ҳозирча ҳеч қандай жавоб олинмаган.

2017 йилнинг 1 октябр кунидан буён МХХ тергов бошқармаси терговчилари, 2017 йилнинг 2 октябр куни Бош прокурорга ёзма равишда шикоят билан мурожаат қилиб, шикоятни кўриб чиқишга ва мурожаатга ҳам жавоб беришни ваъда қилган Бош прокурор ўринбосари Алишер Мирасилов қабулида бўлган адвокат М.Т.Парпиевани ("MUQIM NI MOYA" адвокатлик фирмаси) ўз ҳимоясидаги Б.Абдуллаев билан учраштиришмаяпти.

Адвокатнинг шикоятига муҳофаа органлари, миллий хавфсизлик, солиқ ва божхона назорати бўйича бошқарма бошлиғи вазифасини вақтинчалик бажурувчи Н.Н.Жалолов ёзма равишда жавоб бериб, унда шикоятнинг кўриб чиқиш учун Ўзбекистон республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати тергов бошқармаси раҳбари Бусигин О.В.га жўнатилгани айтилган.

Шу тарзда, Ўзбекистон республикаси Бош

Журналист Бобомурод Абдуллаев иши бўйича МХХ терговчиларининг найранглари

прокуратурасининг маъсул янги амалдорлари аниқ жавоб бериш ва адвокатни ҳимояси остидаги мижози билан учрашиши масаласини ҳал қилиш ўрнига, шикоятни адвокат устидан шикоят қилаётган МХХга кўриб чиқиш учун жўнатмоқда. Ўзбекистон республикаси Бош прокуратурасида бундай амалдорларга жой йўқ! Президент Ш.Мирзиёев бекорга, Ўзбекистондаги ислохотларга қарши саботаж қилаётган прокурорларни УҒРИЛАР деб атамади...

Адвокатлардан яна бири Тўлқин Орифжонов саломатлиги муносабати билан ҳимоясидаги Б.Абдуллаевнинг ҳимоясида қатнашишни рад этди.

Айни пайтда, Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббускор гуруҳига Бобомурод Абдуллаев (Усмон Ҳақназаров) иши бўйича қўлга олинган Шавкат Оллоёровнинг ота-онаси мурожаат қилди. Улар ўғилларининг уйда тинтув ўтказилганлигини ва МХХ ходимлари Б.Абдуллаев, Ш.Оллоёров ва Р.Салаевлар биргаликда қайд этилган фотографияни топишгани ва олиб кетишганини, шунингдек ўғилларининг ҳимояси учун собиқ МХХ ходимини тайинлашганини, у эса жиноят иши ва ўғиллари Шавкат Оллоёровнинг қайси модадага асосан айбланаётганлиги ҳақда маълумот беришни истамаётгани ҳақида айтишди.

Кейинчалик, тахминан 20 октябр куни Тошкентда МХХ ходимлари томонидан, мутахассислиги иқтисодчи бўлган ва "Озодлик" радиосининг русча блогига ва Фарғона.ру агентлигида босилган қатор мақолалар муаллифи Ҳаёт Насриддинов ҳибсга олинди. Шунингдек Ҳаёт Насриддинов турли тахлуқлар остида ва турли нашрётларда рус тилидаги ўткир публицистик танқидлар билан ҳам чиқиш қилиб турган.

Бу жиҳати билан у, МХХ қўлида бўлган Бобомурод Аюдуллаев (Усмон Ҳақназаров) ва Ақром Маликов (Абдуллоҳ Нусрат)га ўхшайди. Ақром Маликов (Абдуллоҳ Нусрат) ўтган йилнинг июл ойида қўлга олинган, Бобомурод Абдуллаев (Усмон Ҳақназаров) эса шу йилнинг

27 сентябр куни ҳибс қилинди. Афтидан учалалари ҳам бир иш бўйича маҳкамага тортилади, яъни ЖКнинг 159/4-моддаси билан айбланаётган "Бобомурод Абдуллаев" иши бўйича.

Айбланаётган уч кишининг ҳам Каримов режимининг фаол танқидчилари эканлиги ғалати кўринмаяптими? Бу уларнинг хусусиятларини ва шахсиятларини боғлаб турган ягона нарсасидир.

Улар бир-бирларини умуман танимасликлари ҳам мумкин!

У ҳолда, МХХ терговчиларининг Ақром Маликовни Бобомурод Абдуллаев билан юзма-юз кўриштиришга олиб келишлари нимани англатади?

Бобомурод ва Ақромни танийдиган барча одамларнинг айтишларича, улар бир-бирларини ҳеч қачон танишмаган ва бир марта ҳам учрашишмаган.

Бу ҳолат, 1999 йилнинг 16 февралдаги портлашлар иши бўйича тергов остида бўлган Баҳром Абдуллаев билан боғлиқ ҳолатни эслатмаяптими? Ушанда у портлашлардан анча аввал қўлга олиниб, Тошкентни портлатган террорист сифатида отиб ташланган эди.

Агар Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ўз йўлига содиқ қолса, у ҳолда улардан, бу журналистлар ҳеч ҳам журналист эмас, балки ҳақиқий "давлат тўнтарувчилари" эканлигини исотлаш учун яна бир неча радикал қадамларни кутиш мумкин бўлади.

Бунинг учун камида бир, ёки ҳатто иккита портлаш зарур!

"Йиғим-терим" ("Жатва") номли фантастик роман қораламаси билан бу журналистларнинг айблови холис эканлигига ҳеч кимни ишонтираолмайсиз.

Буларнинг барчаси муолифат билан Мирзиёев ҳукумати ўртасидаги бошланган (ёки шундай туйилаётганми?) илиқлик жараёнини тўхтатиш мақсадида қилинмоқда.

Аниқроқ қилиб айтганда, Каримов режимининг (бундан келиб чиқиб МХХнинг ҳам) Бош Душмани Муҳаммад Солиҳнинг ватанга қайтиш эҳтимолини тўсиш мақсадида. Акс ҳолда унинг исми дастлабки айбловнинг абсурд "ажрим"ига нима учун киритилган эди...

30.11.2017 й.
Сурат Икромов
Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ
ҳимоячилари ташаббускор
гуруҳи раиси
E-mail: surat.i@rambler.ru,
suratikramov@gmail.com



Ўзбек газининг эгаси ким?

(Суратда: Ўзбекистондаги иккинчи йирик газ кони саналган конни ўзлаштиришга оид келишув имзолаган россиялик Андрей Филатовнинг Халқаро Шахмат федерацияси вице-президенти сифатида “Ўзбекнефтгаз” компанияси раиси, Ўзбекистон шахмат федерацияси собиқ раиси Алишер Султонов билан кўпдан танишлиги айтилади.)

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, йиллик даромади 1 миллиард АҚШ доллариға яқин ERIELL гуруҳи раиси Бахтиёр Фозиловга қарашли ширкат Ўзбекистондаги йирик конлардан бирини ўзлаштиришга ҳақ берувчи акцияларининг ярмини бойлиги қарийб 1 миллиард АҚШ доллариға тенг россиялик Андрей Филатовга сотган. Келишув нархи ва шартлари ҳозирча жамоатчиликка ошкор этилмади.

Россиядаги Globaltrans ва Global Ports ширкатлари мулкдори Андрей Филатов ўзбекистонлик Бахтиёр Фозиловга қарашли Altmax Holding Ltd. ширкати акцияларининг 50 фоизини сотиб олди.

Россия матбуотига кўра, Фозиловнинг 2015 йил ноябрида Қибрисда рўйхатга олинган Altmax Holding Ltd ширкати Surhan Gas Chemical Operating Companyга қарашли акцияларнинг 75 фоизи эгасидир.

Surhan Gas Chemical Operating Company эса, 2015 йили иш бошлаган “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конининг бош оператори. Бу конда 100 миллиард кубметрдан ошиқ газ захираси борлиги тахмин қилинади. Бу эса, Ўзбекистонда икки йилда ўзлаштириладиган газ миқдорига тенг захирадир.

Бахтиёр Фозилов ва

Андрей Филатов ширкатлари ўртасидаги акциялар савдоси тафсилотлари, хусусан, кон операторлари таркибининг нима сабабдан ўзгаргани, россиялик тадбиркорнинг қайси нарх ва қайси шартлар билан Ўзбекистон газ секторига кирганига оид тафсилотлар жамоатчиликка очикланмади.

Surhan Gas Chemical Operating Company вакили 1 декабрь куни “Озодлик” радиоси мухбирининг акциялар олди-сотдисиға оид тафсилотларға оид саволларини очик қолдирди.

Ширкатнинг жамоатчилик билан ишлаш бўлими вакили, 20 дақиқадан сўнг боғланишни сўрагач, кун давомида қилинган кўнғироқларға бошқа жавоб бермади.

Ўзгариш тафсилотларини ўрганиш мақсадида “Озодлик” радиоси мухбири 1 декабрь куни “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти матбуот хизмати билан боғланди.

Хизмат вакили бу хабарға кўзи тушганини билдирди. Айни пайтда, “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ конини ўзлаштириш топширилган компания акцияларининг россиялик Андрей Филатовга сотилгани тафсилотларидан мутлақ беҳабарлигини эътироф этди.

“Очиғи, бу конни Altmax Holding Ltd. ўзлаштираётгани, энди акциялари ярмини Филатовнинг Brighttree Holding LTD ширкатиға сотганини сиздан эшитиб турибман. Иккаласи ҳам хусусий ширкат ва ўзаро акцияларни олиш ёки сотишни уларнинг ўзлари ҳал қилади”, деди “Озодлик” радиоси гаплашган “Ўзбекнефтгаз” вакили.

Ширкатнинг бошқа мутасаддиси ҳам, бу олди-сотдига

“Ўзбекнефтгаз”нинг алоқаси йўқлиги, унинг тафсилотларидан ҳам беҳабарлигини билдирди.

Ўзбек газининг эгаси ким?

Ўзбекистон конституциясининг 55-моддасиға кўра мамлакатдаги “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”.

“Ўзбекнефтгаз” компанияси собиқ раҳбарларидан бири Анвар Хусаиновнинг “Озодлик” радиосиға айтишича, конституциянинг айни шу моддаси, ҳукуматни бундай олди-сотдиларда давлат ва миллат манфаатлари ҳимоячиси сифатида қатнашишини қафолатлайди.

“Бир хусусий компания иккинчисиға ўз акцияларини сотишға ҳақли. Олган одам конда разведка ва топилган газни қазиб олиш ҳаққиға эға бўлади. Аммо газнинг эгаси давлат ва халқ. Шунинг учун, газнинг қанчаси кимға теғади, қанчаси ички бозорға, қанчаси экспортға кетади, буни давлат “маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим” доирасида белгилайди. Ана шу жараёнда “Ўзбекнефтгаз” ва Геология вазирлиги халқ-давлат манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши керак. Аммо бу жараёнға оид маълумот сир тугилади – булар Ўзбекистоннинг барча ер ости бойлигини чек элликларға сотиб юборса ҳам, билмай ўтираверамиз. Бундай келишувлар шартини халқ билишға мутлақ ҳақли. Матбуот суриштириши, депутатлар сўров юбориши ва бундай олди-бердилар очик бўлиши ўта муҳимдир”, дейди Анвар Хусаинов.

“Коммерсант” газетасининг ёзишича, Сурхондарёдаги газ конини ўзлаштириш 2017 йилнинг апрель ойида Шавкат Мирзиёевнинг Москва сафари давомида имзоланилган “маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги битим” доирасида амалға оширилади.

Андрей Филатов вакилининг матбуотға билдиришича, умумий қиймати 5 миллиард доллар бўлиши тахмин этилаётган лойиҳанинг тижорий шартлари бўйича ҳозирча келишув йўқ.

Россиядаги айрим моливий таҳлилчилар, Фозилов ва Филатов ширкатлари ўртасидаги савдо

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қийматининг 100-300 миллион доллар атрофида бўлишини тахмин қилмоқда.

Олган киму, сотган ким?

“Мустақилликнинг 25 йиллиги” конининг бош оператори Surhan Gas Chemical Operating Company акцияларининг мулкдори Altmax Holding Ltd эгаси Бахтиёр Фозилов Ўзбекистон газ ва нефт соҳасидаги йирик лойиҳалар ижросисига айланган ERIELL гуруҳи бошқаруви раисидир.

Тошкент Иқтисодиёт университетининг Халқаро иқтисодий алоқалар йўналишини тугатган 42 яшар Фозилов, 2003 йили АҚШда Марказий Осиёдаги нефть ва газ ширкатларига эҳтиёт қисмлари етказиб бериш билан шуғулланган Denmount Commercial LLC ширкатига асос солган. 2004 йилдан бери Фозилов ERIELL гуруҳи бошқаруви раисидир.

Яқинларгача бош қароргоҳи Чехия пойтахти Прагада жойлашган

ERIELL ширкати 1999 йилда таъсис этилган ва 2014 йилги молиявий ҳисоботида кўра, ширкатнинг йиллик даромади 784.8 миллион евро (930 миллион АҚШ

доллари)ни, йиллик ўсиши эса, 180 фоизни ташкил қилган.

Ширкат расмий сайтига кўра, у Россия федерацияси, Марказий ва жанубий Осиё ва Яқин Шарқдаги етакчи нефть-газ компанияларига бурғулаш технологиялари курилиши ва капитал ременти соҳасида хизмат кўрсатувчи халқаро гуруҳдир.

2008 йили Россияда фаолиятини бошлаган ERIELL гуруҳи акцияларининг фоизини Газпромбанк сотиб олган, 2015 йил декабрида ERIELL бу акцияларининг бир қисмини қайта сотиб олган. Гуруҳ акцияларининг 39.6 фоизи, очик маълумотларга кўра, ҳамон Газпромбанкка тегишли.

Ширкатнинг кейинги йилларда Ўзбекистон нефть ва газ соҳасидаги йирик лойиҳаларни қўлга олаётгани айтилади.

ERIELL гуруҳининг Москва, Прага ва Тошкентдаги идораси вакиллари 1 декабрь куни “Озодлик” радиоси мухбирининг ширкатнинг Ўзбекистон нефть ва газ секторидаги фаолияти, хусусан, Бахтиёр Фозиловга қаршли ширкатнинг Филатов билан тузган келишувига оид тафсилотлар ҳақидаги саволларига жавоб беришни истамади.

Сурхондарёдаги конни

ўзлаштириш ҳаққи берилган оператор акцияларининг ярмини сотиб олган Андрей Филатов эса, 2017 йилги Forbes бойлари рўйхатида кўра, \$950 миллион доллар эгаси.

2014 йилдан бери Россия шахмат федерацияси раиси Андрей Филатов 2013 йил декабридан 2017 йил февралига қадар Ўзбекистон шахмат федерациясини бошқарган Алишер Султонов билан шахматчилар доирасида яхши таниш. Филатов 2014 йил августидан буён Халқаро шахмат федерацияси вице-президенти ҳам.

Айрим Россия нашрлари, ҳозиргача асосан транспортровка соҳасида ишлаб келган Филатовнинг ўзбек газ конларини ўзлаштириш жараёнига қўшилганини “шахмат тахтаси атрофидаги келишув” сифатида баҳоламоқда.

Ўзбекистон шахмат федерацияси собиқ раҳбари Алишер Султонов ҳозирда “Ўзбекнефтьгаз” акциядорлик жамияти раисидир.

“Озодлик” радиоси Ўзбекистон нефть ва газ секторидаги муҳим ширкатлар, хусусан, ERIELL гуруҳи фаолиятига оид журналистик суриштирув олиб бормоқда. Бу гуруҳлар фаолиятига оид маълумотларни “Озодлик” радиосига йўллашингиз мумкин.

ЎХХ хабарлар бўлими

Президент Мирзиёев: қийноқ қўллаб олинган кўрсатмалардан далил сифатида фойдаланилмасин!

“ББС радиоси”нинг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев инсонларни қийноққа солиб олинган иқдорлик кўрсатмаларидан жиноят ишларида далил сифатида фойдаланишни тақиқлаган фармонни имзолаган.

“Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” деб номланган фармон Ўзбекистон президентининг president.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган.

Фармонда, жумладан, шундай дейлади:

“Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйик ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний

ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматида фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалгитган ҳолда;

мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида;

номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи

билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин”.

Президент Мирзиёевнинг ушбу фармони Миллий Хавфсизлик хизмати журналист Бобомурод Абдулла ва яна бир неча фуқаро, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси диндорларнинг “қора рўйхати”дан чиқарилган 7 фуқарога нисбатан Ўзбекистон қонунчилигида тақиқланган тергов усулларини қўллаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалган вақтга тўғри келган.

Манба: bbc.com/uzbek

Темур Пўлатов

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон (Отахонов)нинг “Бу кунлар” рўмани ҳақида тагин бир марта фикр-мулоҳаза билдиришга мажбур бўлдим. Тўғрироғи – Каримовдан кейинги Ўзбекистонда бўлаётган ижобий ўзгаришларга ишониб Истанбулдан ватанига қайтган ёзувчи-ҳамкасбим Тошкент аэропортида ҳибсга олингани орқасидан ёзган олдинги фикрларимга кўшимча қиляпман.

Нимага деганда, то шу кунгача ишончли-ишончсиз турли манбалардан адибимиз бир оз муддат зиндонда ўтириб чиққанидан кейин ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар унинг асарини “экстремистик ва шунга ўхшаш бошқа ғоялар борлигини аниқлаб беринглар” деб қайтадан экспертизага юборгани ҳақида ҳар хил гап-сўзлар чиқиб турибди. Бунинг устига, худди биринчи галда бўлганидек, кимлигини биров билмайдиган аъзолардан иборат ҳайъат орасида яна ўша Дин ишлари бўйича кўмита вакиллари етакчи эмиш.

Яна, хабарларда айтилишича, аэропортда адиб кўлига кишан урилар-урилмас, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси амалдорлари неча ўн йиллардан бери сафларида турган ва ҳамкасабалари орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхонни дарров аъзоликдан чиқариб ташлабди. Энди бўлса, ёзувчилар ташкилотигадики ўша амалдорлар адибнинг аъзоликдан ўчирилганини инкор этишяпти. Ишонсангиз, бу ишлар шу туришида жуда “Муштум” боп материал бўлди лекин.

Мен – ўтган аср 90-йиллари бошида масковлик ҳамкасабалар ташаббуси ва сайлови билан СССР ёзувчилар уюшмасини бошқарган ёзувчи, ҳали ҳам бир нарсага ҳеч тушунмаяпман: ўзини дунёвий деб эълон этган ва Асосий Қонунга кўра дин давлатдан ва унинг идораларидан ажратилган мамлакатда дунёвий мазмундаги бадиий асар давлатга “дўстми-душманми” эканини нимага энди Дин ишлари бўйича кўмита аниқлаб бериши керак?!

Эсимда, СССР ёзувчилар уюшмаси бошлиғи вазифасини адо этишга киришган кунимдан уюшманинг архивига шўнғиган эдим. “Доктор Живаго” рўманини Ғарба эълон қилиб юборган Борис Пастернак, “Метрополь” алманахи



Яна бир марта “Бу кунлар” рўмани ва теварагидаги ҳодисалар ҳақида

муаллифлари – диссидент ижодкорлар В. Аксёнов, Андрей Битов, Фозил Искандар, Булат Окужаба, Белла Аҳмадуллина асарлари муҳокамасининг стенограммаларини варақлаб чиқдим.

Қаранг! Ҳатто ўша Брежнев-Андропов даврининг энг турғун йиларида ҳам Солженитсин, Пастернак ва бошқаларни, асарларидан “жиноят” қидириб, давлат ё Дин ишлари бўйича кўмита эмас, уларнинг ҳамкасабалари – ёзувчилар ўзи муҳокама қилган! Ҳамда бу муҳокамалар очикшаклда, қизгин баҳс ва тортишувлар руҳида ўтган. Битта поп ёки руҳоний қатнашмаган. Ҳолбуки, у йиллари диний ходимлар ҳақида нима гаплар юрарди!

Стенограмманинг бир еридагина динга тегишли масала тилга олинган. Ўшанда ҳам уни Масков ёзувчилар бўлимининг партия котиби Кузнетсов исмли биттаси кўтарган. Унинг эътирози нимага эди? “Нима учун сиз китобингизда: «Қамоқ даҳшатларини хотиржам ва чидам билан қаршилаган ягона халқ ўртаосиёлик мусулмонлар эди. Тўқмоқ кўпроқ улар боши ва белига тушганига қарамай намоз ўқишда давом этишар эди», дебсиз. Нима мақсадда ёздингиз буни?!”

Коммунизмни дин ўрнига тушган деб билувчи партия ташкилоти котиби Солженитсинга бунақа савол бериши ғоят табиий эди, албатта.

Ҳеч ким қамалмади! Қай бирилари соғ-саломат чет элларга чиқиб кетди, қай бирилари, масалан, қайта қуриш ва ошқоралик каби яхши замонлар келишини кутиб ватанда қолди.

Бу айтилган гаплар тўғридан-тўғри “Бу кунлар” рўманига ва унинг муаллифига ҳам тегишлидир. Мен Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг ҳибсга олинishi кетидан иссиғида ёзган илк хитобимда бир ҳаваскор ҳуқуқ ҳимоячиси каби муносабат билдирган эдим. Энди – асарни янада диққат билан ўқиб чиққанимдан кейин қатъий айта оламанки, “Бу кунлар” бошдан-охир бадиий асардир! У миллий насрчиликнинг энг яхши анъаналари асосида, ўрис ва дунё адабиётининг ютуқлари билан бойитилган ҳолда ёзилган – бусиз 21 асрнинг биронта адиби ўқувчилар диққатини ўзига торта олмайди. Худди шунинг учун ҳам ёзувчи қамоққа ташланганидан кейин кўтарилган норозиликлар тўлқинида кўплаб мамлакатлар ёзувчилар ташкилотлари қаторида Россия ёзувчилари ва ташкилотларининг ҳам овози янгради. Чунки бу воқеа бир миллий адабиёт чегарасидан анча кенг миқёсдаги воқеа эканини россиялик ҳамкасабалар ҳам сезишди.

Лекин барибир “Бу кунлар” да кўзга ташланадиган энг муҳим жиҳат – номидан ҳам (“Ўткан кунлар” ва “Бу кунлар”) кўриниб турганидек, асар буюк Абдулла Қодирий ижодий анъанаси йўлида битилган.

Ўтган аср 80-йиллари, ўртағамиздаги ёш фарқига қарамай, ёзувчиликни энди бошлаётган, лекин илк ижодий одимлари билан катта умидлар уйғотган Нуруллоҳ билан яқиндан танишганмиз. Адабиёт майдонида кўп ҳамкорлик қилдик. Эсимда, бир гал Нуруллоҳ

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Абдулла Қодирий ва унинг фожиали тақдири ҳақида гап очиб қолди. Иккимизнинг ҳам фикримиз бир ердан чиқди: агар буюк адибимиз бизнинг замонамизда яшаган ва ижод қилган бўлганида Шарқнинг энг яхши ёзувчиси ўлароқ Нобел мукофотига лойиқ кўрилган бўларди!

Бу воқеани мен тасодифан эсламадим. Абдулла Қодирий рўманчилик тажрибаларини чуқур эгаллаган Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон унинг поэтикаси таъсири остида ўз халқининг советдан кейинги турмушидан салмоқли қисмини тадқиқ этган. Қандайдир маънода “йўқотилган авлод” деб аташ мумкин бўлган, лекин бор кучи, билими ва малакасини ватанининг юксалиши ва фойдаси йўлида сарфлаш имкониятларини кидираётган, аммо энди қурилаётган, ҳали қуриб битказилмаган мустақил давлатидан керакли мададни кўрмаган бир авлоднинг ҳаётини кўрсатиб берган. Бу рўман-орзунинг асосий ғояси ҳақиқат, тўғрилиқ, янгиланишдан умид, ўтиш даврининг хатолари ва қийинчиликларига қарамай янгиланиш йўлида хизматга камарбасталик!

Сиртдан қараганда оддий, чиройли туюлган услуб орқасида муаллифнинг баландпарвозлик, киноя ва мазаҳлардан холи бор дарди, қайғуси, самимияти барқ уриб турибди. Ҳатто у ёки бу ҳодисага, баъзан фожиали воқеаларга бошқа

қаҳрамонлар образи орқали муносабат билдирганида ҳам муаллиф уларга қатъий ҳукм ўқимади, қораловчи-прокурор бўлиб олмайди, балки инсон учун, ижодкор шахс учун ҳалокатли оқибатлардан қайғуриб, у салбий ҳодисанинг моҳиятига етиб боришга ҳаракат қилади. Рўманда замонамизнинг энг улкан иллатлари – кўрқоқлик, жимлик, ватандошлар тақдирига лоқайдлик ишонарли қилиб кўрсатиб берилган. Бунга рўманнинг бошидан-охиригача қизил ип бўлиб ўтган орзу – халқига ва мамлакатига фақат яхшилик исташ, ўлмас умид қарши қўйилган.

Савол туғилади: наҳот рўманнинг ҳар бир сатри тагидан сизиб чиқиб келаётган дард, яхшиликка умид ва яхшиликни оёққа турғизиш йўлида хизмат қилиш орзуси давлатга ва конституцион тузумга хавф бўлса?!

Бўлиши мумкин, лекин фақат бузукбош, айниган тасаввурларда!..

“Бу кунлар” рўмани ва унинг муаллифи теварагида содир бўлган бутун бу ҳодисалардан энг камида икки сабоқ чиқарса бўлади:

Биричиси, бутун дунёда ва Ўзбекистоннинг ичида кўтарилган жамоатчилик норозилиги баҳонасида, ижтимоий тармоқлардаги баҳс-мунозараларга қараганда, илгари сиёсий лоқайд, ҳаракатсиз бўлиб келган ёшлардан сиёсий уйғоқ, фикрини очиқ ифодалай оладиган, саводли, ташаббускор, ўз мамлакатига ҳақ ва имон билан хизмат қилишга тайёр янги авлод уйғонгани кўринди. Бундайлар ҳозирча оз,

аммо бошланди! Озод ва гуллаб-яшнайдиган Ўзбекистон келажаги мана шу ёшлардир!

Иккинчиси, рўман ва муаллифи устидаги мунозаралар ҳали Ўзбекистонда қаримовча ташвиқот яратган манкуртларнинг мавқеи кучли эканини кўрсатди. Улар ҳали-вери “халқ отаси”, “тинчлик посбони”, “мусаффо осмон ҳимоячиси ва мамлакатнинг боқувчиси”ни эсдан чиқармайди ва у учун чаккаларига шаппалаб, сочларини юлишга тайёр турибди. Бироқ Тоғутга қўйилган ҳайкал тошлари жоҳилият даврининг аччиқ ва ҳалокатли совуқлари таъсирида совиб боргани сари улар бошига ҳам ир кунни олий илоҳий ҳақиқат етиб келади.

Мақолани келажакка ишонч руҳида тугатиш ниятида ҳали ҳам Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон тақдирига қайғураётган барчага хабар қиламан: у тетик, кун ўтгани сайин бошидаги хавф ҳам уйи эшигидан узоқлашиб бораётганини ҳис этиб, хурсанд. Ўзбекистон паспорти чўнтагида. Ёзувчи уни кўрсатиб, умр бўйи сўз билан ишлаб қонуна эришган нафақасини давлатдан олиб турибди. Ҳатто Истанбулда яшаб турганида бир пахта теримчисининг қопига зўрға сиғадиган микдорда тўпланиб қолган нафақа пулларини ҳам ундирди. Ўз уйида яшайпти. Вилоятлар, туманлар, қишлоқларни кезайпти. Вақтида ва тўйиб овқатланыпти... Оллоҳга шукр!

2017 йил нўябирининг 30-куни.
[facebook.com](https://www.facebook.com)

Бундан бир неча йил бурун Термиз шаҳри марказий кўчалари ялпи (биринкетин албатта) қазиш ишлари бошланганда бир танишимга, амир Олимхон қизиллардан қочиб, Амударё орқали Афғонистонга ўтаётиб, туяларга ортилган олтинлардан бир донаси Термиз шағри худудига тушиб қолган экан, деган эдим...

Назаримда, шу гапим омма (баъзи корхона ва ташкилот раҳбарияти) орасида ёйилиб кетди-ёв. Чунки, ўшандан буён ҳар йили (баъзида бир неча маротаба) Термиз шаҳри марказий кўчалари қайта



Амир Олимхон хазинаси Термизда?..

ва қайта қазилиб, кўмилиб, асфалтланмоқда!

Ҳой, баракатопгурлар! Мен ўшанда ҳазиллашгандим! Такрор айтаман, ҳазиллашгандим! Амир Олимхон Термиз худудидан

ўтмаган! Ҳеч қандай тилло танга ҳам тушмаган! Давлатнинг миллион-миллион пулларини амир Олимхоннинг йўқ, тушмайдиган бир дона тилласини топиш учун беҳудага сарф қилмангизлар!

Худо хайрларингизни берсин, ҳар қандай қасам ичишга тайёрман, амир Олимхон тилласига оид гапим қип-қизил ёлғон! Бу шунчаки, йўлига қилинган ҳазил эди!

Илтмос, ҳаммаёқни қовла-қовла қилиб халқни қийнаманглар!

Эркин Норсафар
[facebook.com](https://www.facebook.com)



Малоҳат Эшонқуловани Тошкент аэропортида ушлаб қолишди

2017 йилнинг 8 декабр куни Қирғизистон пойтахти Бешкекда “Марказий Осиёда меҳнат ҳуқуқлари” мавзусида Халқаро семинар ўтказилиши режалаштирилган эди.

Семинар ташкилотчилари мазкур масалада Ўзбекистондаги меҳнат ҳуқуқларининг аҳволи хусусида маъруза қилиш учун Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамияти раиси Малоҳат Эшонқуловани таклиф қилишган эди.

Таклифга биноан бугун, 7 декабрь куни ҳуқуқбон М. Эшонқулова маҳаллий вақт билан 14.20 да училиш керак эди.

Ана шу мақсадда Малоҳат Эшонқулова училдан 2 соат олдин Тошкент аэропортида ҳозир бўлди.

Рейсга чиқиш жараёнида инсон ҳуқуқлари фаолидан бармоқ изларини олган махсус хизмат ходими уни алоҳида залга бошлади ва кутиб туриши кераклигини айтди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас аэропортнинг ички ишлар формасидаги ходими “Эшонқулова, хафа бўлмайсиз. Сизнинг четга чиқиш ҳуқуқингиз чекланган экан. Қарздорлигингиз бор экан. Бориб аввал жарималарингизни тўлаб, муаммоларингизни ҳал қилиб келинг, кейин учасиз” деди ўта хушмуомилалик билан.

Эслаиб ўтаман, 21 йил ЎзМТРК тизимида, “Ёшлар” телерадиоканалида фаолият юритган журналист Малоҳат Эшонқулова 2009 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясидаги коррупция, цензура, иктисодий жиноятчилик, маҳаллийчилик каби иллатларга қарши бош кўтариши ортидан босимлар остида қолган.

У 2010 йилнинг 6 декабр куни, бундан роппа-роса 7 йил олдин ўша пайтдаги Бош вазир бўлган, айна дамдаги Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи ўринбосари Абдулла Негматович Арипов(айни дамда мамлакатнинг бош вазири) ва унинг кудаси ЎзМТРК раиси Алишер Хаджаевнинг истеъфосини сўраб мамлакатнинг Мустақиллик майдонида ҳамкасби билан норозилик намойитиши ўтказган эди.

Мазкур норозилик намойишидан 3 кун ўтиб, 2010 йилнинг 9 декабрь куни Малоҳат Эшонқулова ҳамкасби Саодат Омонова билан “Ички меҳнат интизомини бузганликда”, “3 соатдан ортиқ вақт давомида ўз иш ўрнида бўлмаганликда” айбланиб, ишдан ҳайдалган эди.

“Ўзбекистон бошқарув тизимидаги коррупция, амалдорлардаги порахўрлик, ЎзМТРКдаги ноҳақлик мендан муҳолифатчи ясади. ЎзМТРКдан ишдан ҳайдалгач мустақил журналист сифатида фаолият юритдим, муҳолиф ҳаракатга аъзо бўлдим. Инсон ҳуқуқларининг ҳимоячисига айландим” дейди биз билан суҳбатда М. Эшонқулова.

Инсон ҳуқуқлари фаоли ва мустақил журналист Малоҳат Эшонқулова 2011 йилнинг 27 июнь –журналистлар кунда ҳамкасби Саодат Омонова билан Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислам Каримовнинг қабулини сўраб очлик эълон қилганлиги учун Жиноят ишлари бўйича Яқкасарой туман суд қарорига асосан 3 миллион сўм миқдорда жаримага тортилган

эди.

2012 йилнинг 12 июнь куни Қирғизистондаги биродарқушликнинг 1 йиллиги муносабати билан қардош қирғизистондаги миллатдошларимизга ҳамдардлик белгиси сифатида Ўзбекистондаги Қирғизистон элчихонаси биноси олдида норозилик намойиши ўтказиш мақсадида йўлга отланган М. Эшонқулова ИИБ ходимлари томонидан кўлга олинган ва Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг қарорига асосан 5 миллион сўм миқдорда жаримага тортилган.

Инсон ҳуқуқлари фаоли ва мустақил журналистга энг сўнги жарима Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар суди томонидан 2013 йилнинг 6 июль куни солинган.

“Шахрисабзлик раҳматлик Ҳасан Чориевнинг ҳимояси учун Қашқадарё вилоят прокуратураси биноси қаршисига норозилик намойишига чиққан Чориевлар оиласи вакилларидан интервью олиш истагида воқеа жойида ҳозир бўлгандим. Съёмка ишларини олиб бораётган маҳалим кўлимдан видеоаппаратимни тортиб олишди ва намойишчилар қаторида мени ҳам ИИБ биносига келтиришди. Оқибатда суд менга 6 миллион сўм миқдорда жарима жазоси тайинлади” дейди Эшонқулова.

Эшонқуловага энг охири маротаба жарима қўллаш мақсадида чиқарилган суд қарорига ҳам 4 ярим йил бўлибди.

То шу кеча кундузга қадар Малоҳат Эшонқулова истиқомат қилаётган уйдан, қизининг хонадонидан, ҳуқуқбоннинг ўзидан қарздорликни қоплаш мақсадида Тошкент шаҳар Учтепа туман мажбурий ижро бўли ходимлари жами 6 маротаба мол-мулкларни мусодара қилиш ишларини олиб борган.

Бирок, аянчли томони шундаки, мен истиқомат қилаётган хонадондан олиб чиқиб кетилган ўзганинг мулклари мусодара қилинган ва ҳар сафар сотиб юборилган. Бирок шу пайтгача 6 маротаба олиб чиқиб кетилган мол-мулклар қанчага нархланган, қанча сўмма миқдорда сотилган ва менинг қарзларимнинг қанча қисми қопланган? Айна дамда менда қанча қарздорлик қолган? Бу қарздорликни қайси ҳисоб рақамига тўлашим лозим? Бу ҳақда кўлимда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бирорта ҳам маълумот йўқ. 2016 йилнинг баҳоридан буён мажбурий ижро бўлими бошлиғига “Қанча қарзим қолган, қанча қарзим қолган? Қайси ҳисоб рақамига тўлашим лозим” деган мазмунда такрор-такрор ёзма мурожаатлар қилганман. Бу мурожаатларим интернет сайтларида ҳам эълон қилинган. Бироқ аризаларимга

ҳамон бирорта ҳам жавоб йўқ, – ажабланади ҳуқуқбон, – Эҳтимол, қайси ҳисоб рақамига қанча тўлашимни аниқ билганимда шу тобгача гарчи судлар томонидан ғайриқонуний тарзда солинган бўлса-да жарималарни тўлаб қўйган бўлармидим?...

“Ҳукуматга менинг жарималарни тўлашим, қарздорликдан қутилишим муҳим эмас. Ана шу жарималар баҳонасида менинг

ҳаракатланиш ҳуқуқимни чеклаш, жарималарни рўқач қилиб мажбурий ижро бўлимининг ходимлари никобида мен истиқомат қилаётган уйнинг эшигини истаган пайтларида тепиб кириб, тинтув ўтказишлари учун ҳам керак мени қарздор қилиб қўйиш” дейди ҳуқуқбон ва мустақил журналист сўзининг хотимасида.

Орзигул ХУДОЁРОВА
мустақил журналист

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, президент Дональд Трамп Қўшма Штатлар Қуддусни Исроилнинг пойтахти, деб тан олишини эълон қилган.

Оқ уйда махсус баёнот билан чиққан Трамп ўз қарорини “узқ кутилган қадам” деб атади.

Унга кўра, ушбу қарор Яқин Шарқ тинчлик жараёни учун муҳимдир.

“Менинг бугунги эълоним Исроил ва фаластинликлар ўртасидаги зиддиятга янгича ёндашувнинг бошланишидир”, – деб айтди Президент Трамп.

Унинг айтишича, Қуддусни Исроил пойтахти деб тан олишининг орқага суриб келиниши тинчликка эришиш йўлида ҳеч қандай натижа бермаган.

Қуддусни Исроил пойтахти деб эълон қилиш Трампнинг сайловолди ваъдаси эди.

Трампнинг баёноти арафасида Фаластин Президенти Маҳмуд Аббоснинг сўзчиси минтақа учун “тахликали оқибатлардан” огоҳлантирди.

Исроил табиийки Трампнинг бу қадамидан мамнун, аммо Фаластин ва Араб дунёси раҳбарлари Яқин Шарқ тинчлик жараёни таҳдид остида қолиши билан огоҳлантиришди.

Жанубий Ғазо бўлгасида фаластинликлар Трампнинг қароридан ғазаб изҳор қилиб чиқишган.

Улар Трамп ва Исроил бош вазири Нетаняхунинг суратлари ҳамда Исроил байроқларини ёқишмоқда.



Дональд Трамп Қўшма Штатлар Қуддусни Исроилнинг пойтахти деб тан олишини эълон қилди

Фаластинликларнинг Буюк Британиядаги вакили Мануэл Ҳассасианга кўра, айна қадам икки давлатчиликка асосланган тинчлик жараёни учун ҳалокатлидир.

Унинг назарида, Трампнинг эълони бу Яқин Шарқда уруш эълон қилишга баробар бир амал бўлади.

Рим Папаси Франсисга кўра, Қуддус масаласида “status quo” ҳурмат қилиниши керак.

Туркия Трампни “ҳаддидан ошмасликка” чақирди

Туркия президенти агар АҚШ Қуддусни Исроил пойтахти деб тан оладиган бўлса, унда унинг мамлакати Исроил билан алоқаларни узиши ҳақида огоҳлантирганди.

Ражаб Тойиб Эрдўғон бу қадам мусулмонлар учун “ҳаддидан ошиш” бўлишини урғулаган.

Доналд Трампни Қуддуснинг Исроил пойтахти деб эълон қилишдан тийилишга чақираётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Хабарларга кўра, АҚШ президенти шу ҳафта ўз мамлакатининг Қуддусмавқеига нисбатан муносабатида кескин ўзгариш қилиши кутилмоқда.

“Жаноб Трамп! Қуддус мусулмонлар учун қизил чизикдир, бу масалада биз Исроил билан алоқаларни узишга қадар боришимиз мумкин”, деб айтган Туркия президенти.

Исроил 1948 йил ташкил топганидан бери ҳеч бир мамлакат Қуддусни бу мамлакат пойтахти деб тан олмаган.

Трамп бу қадамни қўйса АҚШ биринчи давлат бўлади.

Исроил эса Қуддусни ўз пойтахти деб билади.

ЎХХ хабарлар бўлими

Мухолифат конституцияни қайта ёзишга чақирди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ҳокимиятга келганидан бери Ўзбекистондаги аҳволнинг умумиятла оғир эканини айтиб келаётган президент Шавкат Мирзиёев, бир неча бор “керак бўлса, конституцияни ўзгартирамиз”, деган. Конституция қабул қилинганининг 25 йиллиги кунида “Озодлик” радиоси суҳбатлашган муқобил конституция лойиҳаси муаллифи, жорий конституцияни ўзгартириш эмас, балки уни бутунлай қайта ёзиш зарурати ҳақида гапирди.

Ўзбекистон конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги байрамқилинаётган 2017 йилнинг 8 декабрь куни Ўзбекистон конституциясининг 1992 йили ёзилган лойиҳаларидан бири муаллифи профессор Отанзар Орипов амалдаги конституцияни халқни бугунги ночор аҳволга солган асосий ҳужжат деб билишини айтади:

– Бу конституциянинг бирламчи фундаментал яроқсизлиги, унинг совет конституциясидаги ёлғонлардан озод бўлиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Мустақиллик декларациясини, унинг асосий талабларини инкор қилишидадир. Қабул қилинган ҳозирги конституция совет давридаги ёлғонларни сақлаб қолган. Масалан, ҳокимият халқникидир, ҳокимиятнинг ягона манбаи халқдир, деган ёлғон совет конституциясида ҳам бор эди, бугунги ўзбек конституцияда ҳам бор. Халқ ҳақиқий ҳокимият эгаси эмаслигини ҳамма билади. Ҳокимият қабул қиладиган қоида-қарорларда халқ иштироки йўқ, дейди Отаназар Орипов.

(74 яшар физика ва математика фанлари доктори Отаназар Орипов Ўзбекистон мустақиллик декларацияси ва Ўзбекистон конституцияси лойиҳасини ҳали мамлакат мустақил бўлмасидан туриб ёзгани билан ҳам танилган. Орипов- қуёш энергияси

соҳасида қўлланиладиган кремний моддаси докторлик иши, 50 дан ортиқ мақола ёзган олим.)

Жорий йилнинг 13 июнь кунги кенгайтирилган видеоселектор мажлисини асосан суд тизимидаги адолатсизлик ва порахўрлик танқидига бағишлаган президент Шавкат Мирзиёев судлар халқпарвар, адолат қўрғони бўлиши учун, керак бўлса конституцияни ҳам ўзгартирамиз,” деган эди.

7 декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида”ги фармон ҳақида гапирган президент “суд-ҳуқуқ идораларини қанчадан-қанча тизим қилдик, Конституцияни ўзгартирдим мен. Нима учун? Мен ўзим биламан – адолатсизлик қанча судларда,” деди.

Отанзар Орипов фикрича, президент Мирзиёев Ўзбекистоннинг бугунгидек адолатсизлик ҳукмрон мамлакатга айланиши илдири конституцияга бориб тақалишини тушунади, аммо бу фундаментал муаммони ҳал қилишга системали ёндашув етмайпти.

Орипов фикрича, ишламайдиган конституциядан воз кечиб, унинг ўрнига 25 йиллик хатолардан чиқарилган сабоқ билан ёзилиши лозим янги конституция қабул қилиш керак.

Бу жараёнда эса, олим фикрича, 25 йилдан бери тортмаларда қолиб келаётган мухолифатдаги “Эрк” партияси томонидан ишлаб чиқилган конституция лойиҳаси қайта муҳокама қилишга лойиқ ҳужжатдир.

Зотан, бу лойиҳа олий ҳокимият эгаси халқ, деган асосга қурилган ва халқ ҳокимиятини кафолатловчи механизмни ўз ичига олган эди, дейди Орипов.



Муаммони илдири шу ерда...

“Электросет” га пул тўлагани кирган эдим. Иккита аёл ходимлар билан уришаётган экан. Свет талаб қияпти. Жуда ҳам кўп ўчаётган эмиш. Аёлларни жанжалига бурчакда компютер чуқиллаб ўтирган йигит аввалига эътибор бермади.

Авжига чиққанда шарт ўрнидан туриб “опа, бери келинлар, илтимос”, деди. Аёллар олдига келгач, қўлига қоғоз ва қалам олиб, аёлларга чизиб кўрсата бошлади “мана бу – трансформатор. 1000 хўжалик учун мўлжалланган. Фалонча кв микдорда свет кўтаради. Ҳаво совуса нима бўлади? Эҳтиёжингиз уч хисса ортади. Тўғрими? Нима учун ортади? Чунки, газ йўқ. Ҳамма электр қурилмалардан фойдаланади. Бу падарланат трансформатор одамларда газ йўқ, кел, ишлайверай, демайди. Қизиб кетса шартга ўчади, кўяди.

Қолаверса, лимит деган нарса бор. “Главний” Подстансадан автомат ўчиши бор. Муаммони илдири қаерга кетяпти? Газ йўқлигига. Газ нима учун йўқ? Газни сотамиз! Тушуняпсизми, опа? Нима учун сотамиз? Мана шу саволга жавоб топинг. Муаммони илдири шу ерда”.

Бояги чизиб кўрсатаётганига жаҳл билан нуқта қўйди. “Мени ҳам уйимда свет йўқ. Икки ёшли болам бор. Ўтирибман. Аламимми муаммога даҳли йўқлардан олмаяпман. Сизларга руҳсаг”, деди. Икки аёлни тарвузи қўлтиғидан тушиб, бир оғиз ҳам гап қайтармай чиқиб кетди. (с)

ЎЗА ҚИЙНОҚ ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАНИ АЙТИЛАЁТГАН АЁЛНИ ЭКСТРЕМИСТГА ЧИҚАРДИ

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, яқинлари Тошкент шаҳар ИИББ да қийноққа тутилаётганини айтган Умида Узоқова ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мақола чиқарган. ЎЗА 29 яшар Умидани маҳкама қарорисиз экстремистга чиқарган. Узоқованинг яқинлари ушбу айблов тухматлигини ва у Тошкент шаҳар ИИББда даҳшатли қийноқларга тутилаётганини таъкидламоқда.

24 ноябр куни муаллиф Норгул Абдураимова томонидан чиқарилган мақола “Шайхонтохурда экстремист аёл қўлга олинди” деб номланади.

Мақолада ёзилишича, “Марказ-26” даҳасидаги кўп қаватли уйлардан бирида доимий рўйхатда турган У. Узоқова Гулбозор маҳалласида жойлашган жомеъ масжидга намозга йиғилганларга “Ҳизбут Таҳрир” оқимига тегишли варақаларни тарқатишга уринган.

“Аёл ичган қасамини бажариш учун диний ақидапарастлик ғоялар билан йўғрилган «Муслмонларнинг ислом тузумини татбиқ қилиш олдидаги масъулиятлари» деб бошланувчи 14 дона варақа солинган конвертни олиб йўлга тушди. Яхшиямки у мақсадни асл дин қарор топган масжидда амалга оширмоқчи бўлди”, дейилади унда.

Муаллифнинг ёзишича, “Гулбозор маҳалласида жойлашган жомеъ масжидга намозга йиғилганлар аёл кўтариб келган конвертни дарров имомга етказишди. Конвертни очган имом ҳаммасини тушунди. Бу ҳақда тегишли органларга хабар берди”.

“Ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида ушбу қилмишни содир этган шахс “Марказ-26” даҳасидаги кўп қаватли уйлардан бирида доимий рўйхатда турган У.Узоқова бўлиб чиқди. 2017 йил 22 ноябрь куни у қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда”, деб ёзади Норгул Абдураимова.

Би-би-сининг аниқлашича, гап 13 ноябр куни Тошкент шаҳар милицияси томонидан ушлаб кетилган 29 ёшли Умида Узоқова ҳақида бормоқда.

Яқинларининг айтишича, Умида мақолада келтирилган манзилда доимий пропискада турган, аммо сўнгги вақтларда Сирғали

туманидаги домларнинг биридаги квартирада ижарада яшаган.

“Бу тухмат. Умида 4-5 ойдан бери иситмаси тушмасдан даволаниб юрган эди. Бироз муддат яворлмай онамнинг уйида қолди, сўнгги ойда икки боласини онамга ташлаб Сергелидаги квартирасида яшаётганди. Айбларни унга қийноқ қўйишган. Яна уни 22 ноябрда эмас, балки 13 ноябр куни онам, укам ва турмуш ўртоғи билан бирга олиб кетиб қолишганди”, – дейди унинг опаси Азиза Узоқова.

ЎЗАда чиққан мақолада ҳодиса қачон ва қайси масжидда бўлганлиги, масжид имомнинг исм шарифлари келтирилмаган. Фақатгина Гулбозор маҳалласидаги жомеъ масжиди эканлиги айtilган.

Умида Узоқова ушланган вақтда яна 80 яқин диндор Тошкент шаҳар ИИББга олиб кетилгани ёки чақирилгани ёзилган.

Шундан 7 киши ҳамон Тошкент шаҳар ИИББ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармасида сақланмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дониёр Тошхўжаев кун.уз нашрига сўроқнинг икки соат давом этгани ва ҳеч ким ҳибсда ушлаб қолинмагани ҳақида айтган.

Синглиси, укаси ва онаси олиб кетилганидан бир кун ўтиб 14 ноябрда 1,5 яшар боласи билан Терроризмга қарши курашиш бошқармасида кун бўйи тергов қилинган Азиза Узоқованинг айтишича, онаси қийноққа тутилганини ўз қулоғи билан эшитган ва юзлаштирилганда онаси Насиба Узоқова ҳибсдаги ўғли Муҳаммадамин Абдурахмонов ва қизи Умида Узоқоваларнинг қийнашаётганини эшитиб ўтирганини айтган.

“Жон қизим булар бизни кечаси билан азоб бериб тергов қилишди. Тўхташмади. У ёқда уканг, бу ёқда синглинг ҳаммаси бақирди. Синглинг билан укангнинг бақирганига чидолмадим, дедилар. Уларни алоҳида алоҳида хоналарда қилишган. Бир-бирига кўрсатишмаган, Фақат бир-бирининг овозини эшитишган”, дейди Азиза Узоқова.

Азиза Узоқованинг айтишича, яқинларига иссиқ кийим-бош олиб бориб берганида Терроризмга қарши курашиш бошқармаси ходими унга синглиси Умида Узоқованинг

ҳомиладор бўлиб қолганига шаъма қилган.

“Қалин кийимларни қўлимдан олган ўша ердаги ходим айтдики, яқинда жиянли бўласан, деди. Нима, деганимда бошқа қайтиб гапирмади. Синглимга шаъма қилди. Нимани назарда тутганини ўзим ҳам билмай қолдим. У ерда синглимни қийнашганини ўзим ҳам билгандим. Онам синглимни қийнашганини айтганди. Лекин қанақа қийнашганини билмаймиз”, дейди Азиза Узоқова.

Ўзбекистон мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ташаббус гуруҳи чиқарган хабарда айтилишича, Тошкент шаҳри ва вилоятида 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган 79 нафар аёл ва эркак диндорлар қўлга олинган.

Уларнинг аксарияти 8 соатлик савол-жавобдан сўнг қўйиб юборилган. 7 киши ҳамон ҳибсхонада қолмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси томонидан 29 ёшли Умида Узоқова, унинг онаси 51 ёшли Насиба Узоқова, 25 яшар Муҳаммадамин Абдурахмонов ҳамда Умиданинг турмуш ўртоғи Нодирлар 13 ноябр куни ушланган.

Орадан 3 кун ўтиб 16 ноябрда 35 ёшли Оятулла Усмонов, 32 ёшли Муҳаммад Рашидов ва 23 яшар Насрулло Аъзамовлар ушлаб кетилган. Яқинлари уларнинг ҳамон ҳибсда сақланаётганини ва қийноқларга тутилаётганини айтмоқда.

Яқинларининг таъкидлашича, Тошкент милицияси улардан 2009 йил қидирувга берилган Гўзал Тўхтаўжаеванинг жойини маълум қилишни талаб қилмоқда. Унинг ҳибсда сақланаётган турмуш ўртоғи Муҳаммад Рашидовнинг эпилепсия (тутқанок) ҳамда юрак пороги (нуксони) хасталиклари билан оғриши айтилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда қора рўйхатда турган 17 минг диндордан 16 мингтаси ундан чиқарилганини айтганди.

Президент рўйхатдан чиқарилган диндорларни жамятга қўшиш, уларни иш билан таъминлашга чақирганди. Тошкент милицияси томонидан қўлга олинган диндорлар ҳам бир оз муддат рўйхатдан чиқарилган бўлган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Бу иллатдан нима қилсак қутиламиз?

Ўзбек миллатининг фожеаси (учинчи мақола)

Ўзбек миллатининг фожеаси – хасислик, бахиллик, зикналик!!!

Бу гап фақатгина биз ўзбекистонликларга тегишли эмас, бу бутун инсониятнинг фожеаси. Бежизга Курьондаги Ҳашр сурасида «Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, нажот топибди» -дейилмайди.

Бахиллик, бахиллик!

Бу иллат мамлакатимиз ва жамиятимиз ичида шунақанги катта томир бойлаб кетганки, билсангиз. Балким ҳаммасини айтмаганим маъқулмикан? Агар ҳаммасини бирваракайига айтсам, ваҳимага тушиб курашга чиқмай кўясиз деб хавотир оляпман. Шу сабабли, аста-секин, ётиги билан тушунтиришга уриниб кўраман, дўстим!

Бу иллатдан нима қилсак қутиламиз? Бахиллик, хасислик, зикналик! Бу муаммога эътибор қаратаётганим шу балодан қутилиш йўлларини қидирайлик.

Топсак. Бир фикрга келсак жуда яхши! Яхши хулоса қилсак, бу муаммо ечимининг ярми!!!

Бу ердаги дўстларим турли туман дунёқарашдаги инсонлар. Динимизни тушунадиган инсонлар учун биттагина гапнинг ўзи кифоя. Масалан «сахийлик инсонга буюрилган беш амалнинг бири». Яъни, ЗАКОТ.

Ҳа, закот – сахийлик дегани.

Закот фалон ойдагина берилади дея, сахийлик йўлини тўсманг!!! Сахийликни ҳар ой, ҳар куни, ҳар соат ва сонияда қилаверинг!!!

Иккиланманг! Майли ин ша Аллоҳ бу ҳақда кейин гаплашамиз! Бугун Ўзбекистонда ишчи

ўринлари яратишнинг энг осон усуллари ҳақида гаплашсак.

Бундан беш олти йил аввал, милицияда ишлаб нафақага чиққан бир дўстимни маршрут таксида кўриб қолдим.

–Америкага кетяпман! –деди у дабдурустан.

–Э, ўзимизда иш қуриб қоптими?

–Ўзимиздаги барча бизнес ёпилган экан. Эгаллаб олишибди. Ўша ёқларда ишлаб келаман.

–Нима иш қиласиз, у ёқларда?

–Аслида бу саволим ноўрин эди, чунки дўстим қўлигул ошпаз йигит.

–Америкаликларга ўзбекча палов нималигини кўрсатиб келаман!

Орадан анча вақт ўтгач, дўстимни учратиб қолдим. «Уларнинг яшаш тарзини ҳазм қилолмадим» бир жумла билан бутун саёхати тафсилоти яқунланди. Мен ҳам бошқа нарса сўрамадим.

Австралияга кетиб ишлаётган бир танишим бор. Ўзи Афғонистонлик ўзбек. Ўтган йили Тошкентдаги ўртоғига телефон қилиб нолибди «Австралияда ҳаёт тарзини ушлаб туриш учун эрталаб соат еттидан кеч соат 22-00гача оёқдаман. Ўзбекистонда тушгача ишласам кифоя эди».

Ўзбек ишбилармонларининг идроки баланд. Озгина тадбиркорликка танқидий ёндашув ва давлат томонидан ёрдам бериш бошлангани уларнинг ақл-заковати қанақа баланд даражадалигини кўриниб қолди.

Биологик ўғитларни топишибди, экинни тез ва соз етилтирар экан! Сомондан қоғоз ишлаб чиқарадиган технология неча йиллардан буён Наманганда ишламасдан ётганмиш, куни кеча фарғоналик бир тадбиркор «Ўзбекистон тоғлари

тошидан қоғоз чиқарса бўлади», - деса тилим лол бўлиб қолди.

Хасисликнинг битта жуда ёмон тури биздаги Интернет ва уяли телефоннинг қимматлиги ва тезлиги пастлиги!

Ҳа, майли бугунча нафсимиз хасислиги ҳақида гапирмай ишчи ўринлари ҳақида гапирай.

Ҳар бир жойнинг тош-у тарозиси бор деганларидек, Ўзбекистонда ишчи ўринлари яратишнинг энг осон, содда ва қулай, ўзимизга мослари ҳақида гаплашсак.

Менимча ишни бундай бошлаш керак. Тошкентдан – Нукусгача, Тошкентдан Фарғона водийси бўйлаб, Тошкентдан Термезгача бўлган йўлларнинг ҳар эрлик километрида АЁҚШлариңи тартиб билан ўрнатиб чиқиш. Ўша ерда битта ошхона, дам олиш хонаси (кемпинг), шифокорлик пункти, автомашина сошлаш ва ювиш, кийимларни кимёвий тозалаш, саргарошхона, таҳоратхона, ибодатхона, милиция пункти, интернет кафе, компьютер хизматлари, озиқ-овқат дўкони ташкил этилиши керак. Хизмат кўрсатиш соҳасида камида 50 киши банд бўлиши керак. Мисол учун Тошкентдан Термезгача 1000 километр масофада йигирмата тўхташ пунктида 1000 киши иш билан банд бўлиши керак.

Республикамизнинг барча туманларидаги автотураргоҳлар ноль қийматида тадбиркорларга бепул берилиши керак. Агар тадбиркор юқоридаги каби хизмат кўрсатишнинг инфратузилмасини бир йил ичида яратмаса, ноль қийматда берилган объект бўйича тузилган шартнома бекор қилиниши лозим. Ана шу автошоҳбекалар такси хизмати учун кунлик ёки ойлик патент идоралари ҳам бўлиши керак ва ҳоказо...

Кейинги иш. Республикамиздаги барча туманлари ҳокимиятлари ёнида кинотеатрлар, концерт дастурлари ўтказиладиган клублар қуриш керак. Шанба, якшанба кунлари бу объектларда сайиллар ташкил этилиши, спектакллар қўйилиши, оркестр мусикалари янграб туриши керак.

Спорт инфратузилмалари ва ўйинлари ҳам яхшигина ишчи ўринлари яратиш учун ажойиб имкониятлар берадиган база. Тез-тез уюштириб туриладиган коммерция турнирлари ҳам керак.

Ишчи ўринларни яратишнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

катта бир имконияти – сихатгоҳлар ҳисобланади. Бизнинг тоғли зоналаримиздаги об-ҳаво ҳавас қилса арзигудек! Бунинг учун тоғ йўлларимизни тузатиш керак.

Яна бир катта база турли туман конкурслар ўтказиб турилиши. Йилнинг энг яхши кинофильми, спектакли, ҳужжатли фильми, мультфильми, режессёри, йилнинг энг яхши, ёзувчиси, ҳикоячиси, романнависи, шоири, энг яхши мақомчиси, эстрада куйчиси, Лазги рақси ижрочиси, Андижон полкаси ижрочиси, рассоми, фотографи, журналисти ва ҳоказо. Буларнинг қаторига йилнинг энг ширин палов тайёрловчи ошпази ёки энг мазали тандирқабоб тайёрловчиси ва бошқа.

Тозаликка қатъий риоя қилиниши керак албатта. «Кийимларингизни тоза тутинг»-буям Куръон қонуни. Ҳар бир туман, балки кўчада кийимларни, чойшабларни кимёвий йўл билан тозалайдиган жойлар бўлиши керак. Иккинчиси инсоннинг танаси ҳам тоза бўлиши керак. Таҳоратхоналар деярли

ҳамма масканларда бўлиши керак, мачитлардан ташқаридагиси пуллик бўлсин.

Хуллас барча ишчи ўринлар хизмат кўрсатиш соҳасида бўлади.

Майли, аввалбошда даромади камроқ бўлар, аммо пул айланиб туриши керак. Пул қанчалик тез оборот қилинса, бир қўлдан иккинчисига ўтиб турса, унинг қилаётган савоб ишлари кўп бўлади. Тараққиёт деганлари аслидаям шу.

Бунинг учун қилинадиган биринчи энг КАТТА ИШ, фуқароларимизнинг БЎШ ВАҚТИни кўпайтириш.

Армия, милиция, хавфсизлик идоралари сменаларда алмашиб йил ўн икки ой, кеча-ю-кундуз ишласин.

Аммо, иқтисодиёт эмас. Йўқ пул айланадиган соҳаларда умуман тўхташ бўлиши керак эмас.

Маданият, маърифат муассасалари фақат ўз ишлари билан шуғуллансинлар.

Иқтисодиётдаги ишлар оқил-у донолик, хоотири жамлик, юксак маданият, ҳалоллик, поклик, адолат – олийжаноблик билан

амалга оширилиши керак. Конституциямизда белгиланган ҳафтасига 41 соатлик иш амалда бўлсин. Ўз ишини эпполмайдиган кишиларнинг ишдан кейин қолиши, шанба, якшанба кунлари ишхонага келиши нопрофессионаллик деб қаралсин. Кейин ишчи ўрин яратган тадбиркор, савоб иш қилгани учун бир минимал окладдан давлатга солиқ тўламасин, тўласин, аммо камроқ бир минимал окладнинг ўндан бири миқдорида. Транспорт ҳайдовчилар учун патентлар ҳам бир минимал окладдан ошмаса, ҳамма ўзи бориб ўзи бу суммани тўласа, бюджет даромади ошади. Умуман бюджетни тўлдиришининг прогрессив усулларига йўл очилди. Чиройли рақамларни сотишни айтганман. Хуллас буям алоҳида мавзу...

Мамлакат ва давлатнинг энг катта ютуғи унинг аҳолиси – БЎШ ВАҚТИ. Давлатнинг бош вазифаси аҳолининг Бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этиш борасида иқтисодий тиргақларни ишлатиб, иқтисодиётга аҳолининг эркин пул маблағларини жалб этиш.

Анвар Шукуров

“Озодлик” радиосининг забар беришича, Қозоғистон 3 декабрдан бошлаб Қирғизистон билан чегаралардаги барча чекловларни бекор қилган. Чеклов октябрь ойида президент Алмазбек Атамбаев ҳамкасби Нурсултон Назарбоевни кескин танқид қилгани ортидан жорий этилган эди.

Қирғизистон Чегара хизматининг билдиришича, Қозоғистон билан мавжуд бўлган барча чегара ўтказиш пунктлари 3 декабрдан бошлаб чекловларсиз иш бошлади. Биргина “Ак Тилек” чегара пунктида тунги соат 12дан эрталабки 9гача 225та юк машинаси ўтказилган. Айни пайтда навбатда яна 410та юк машинаси қолмоқда.

2 декабрь куни Остонага борган қирғиз ҳукумати делегацияси қозоқ расмийлари билан чегарадаги вазиятни изга солиш бўйича “Йўл харитаси”ни имзолашга муваффақ бўлган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, икки ой қаттиқ чеклов доирасида ишлаган чегарадаги вазиятни изга солиш учун 50та комплексли чоратадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Қозоғистон жорий этган чекловларни яқин кунларда олиб ташлаши тўғрисида 30 ноябрь

Қирғиз-Қозоқ чегарасидаги чеклов олиб ташланди

куни Минскда ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти саммити доирасида Қирғизистоннинг янги президенти Сўўрўнбай Жээнбеков билан учрашган Нурсултон Назарбоев маълум қилган эди:

-Икки халқ ўртасидаги биродарлик алоқаларини яна аввалги ҳолатга келтирамиз. Бу икки халқнинг хоҳиш-иродаси. Чегарада нега бундай вазият юзага келгани ҳаммага маълум,-деган эди Нурсултан Назарбаев.

Қирғизистон президенти Сўўрўнбай Жээнбеков эса Қозоғистон билан мавжуд чегаралар уч томонлама назоратга олинишига келишилганини таъкидлаган.

-Чегара Евросиё иқтисодий иттифоқи, Қозоғистон ва Қирғизистон томонидан назорат қилинади, деган қарорга келдик. Бу масалада “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва яқин кунларда ҳукуматлар бу борада иш бошлашади, -деди Жээнбеков.

2017 йилнинг 10 октябридан Қозоғистон чегара назоратини кучайтирди, бу ўз навбатида назорат-ўтиш пунктларида автомобилларнинг бир неча километрлик тирбандлигига сабаб бўлди.

Қозоғистон чегарадаги назоратни кучайтиришидан икки кун аввал Қирғизистоннинг ўша пайтдаги президенти Алмазбек Атамбаев Нурсултон Назарбоевни Қирғизистон президентлигига номзод Ўмурбек Бабанов билан учрашгани учун кескин танқид қилган эди.

Қирғизистоннинг собиқ ташқи ишлар вазири Аликбек Жекшенкулов қозоқ –қирғиз чегарасидаги вазият янги президент Сўўрўнбай Жээнбековнинг ягона “бош оғриғи” эмас, деб ҳисоблайди:

-Ташқи сиёсатда жуда катта хатолар бўлди. Бунинг оқибатида Қозоғистондан ташқари Туркия ва бошқа қатор давлатлар билан ҳам муаммолар юзага келди. Бу муаммоларни ҳал этиш учун янги президент ташқи сиёсат системасини қайтадан аниқлаб чиқиши лозим, -деди Аликбек Жекшенкулов.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистон жамоатчилигида жиддий мунозара уйғотган Бобур боғидаги намоиш ташкилотчиларининг орадан ярим йил ўтиб жазога тортилиши янги раҳбар остида ҳам норозилик акциясига чиқиш хатарли эканини кўрсатди.

Тошкентда “Боровский” коллежи талабаси Жасур Иброхимовнинг калтаклаб ўлдрилишига қарши ўтган йиғинга юздан ошиқ киши тўпланган. Улар ҳуқуқ-тартибот идораларидан зудлик билан айбдорлар жазоланишини талаб қилишган. Мазкур намоиш ташкилотчилари Ирина Шоҳназарова ва Мария Головкага маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Ташкилотчилар жамоат хавфсизлиги тартибини бузганликда айбдор топилган. Президент Мирзиёев эса ҳуқуқ тартибот идоралари, матбуотни “Боровский” воқеаси бўйича жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилмаганликда айблаган.

Жасур Иброхимовнинг курсдошлари томонидан калтакланиши натижасида вафот этишига қарши Тошкентдаги Бобур боғида (Халқлар дўстлиги) ўтган норозилик чиқиши жамоатчиликда кучли мунозара уйғотган.

Бунга сабаб нафақат мудҳиш ҳодисанинг ўзи, балки узоқ йиллар кескин назоратда ушланган жамиятда жамоатчилик ташаббусига кўра илк бор норозилик чиқиши ўтаётгани ҳам бўлди. Мамлакатда ҳокимият алмашиши ортидан кутилмаганда юз кўрсатган бу чиқиш ислохотлар даврида фуқароларнинг фаоллашиш белгиси сифатида ҳам тақдим этилган эди.

Янги ҳокимият жамоатчилигининг бу ташаббусини эътиборсиз қолдирмаган. Орадан яқим йил ўтиб, намоиш ташкилотчилари жамоат хавфсизлиги тартибини бузиш, таҳдид солишда айбланиб, маъмурий қамоқ жазосига тортилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасини маҳаллий матбуотга тақдим этган маълумотида кўра, Бобур боғидаги намоиш фуқаролар Ирина Чоҳназарова ва Мария Головкининг ижтимоий тармоқдаги ташаббусига кўра мувофиқлашган. Головка ва Шоҳназарова митинг ва намоишлар ўтказиш тартибини бузиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солишда айбланиб, 10 ва 15 кунлик маъмурий қамоқ жазосига, жаримага тортилган.

15- ноябрда Яккасарой туман

судида кўрилган бу иш жамоатчилик учун ёпиқ ўтган? Жаримага тортилган фаолларнинг ўзлари айбларига тўлиқ иқроор бўлишгани хабар қилинди.

Ички ишлар бошқармаси нима сабабдан аксия ташкилотчилари орадан ярим йил ўтиб жазоланаётганини иш юзасидан суриштирувни узоқ давом этганлиги билан изоҳлаган.

Аммо сўнгги кунларда очикланган маълумотлар аксия ташкилотчилари жазоланиши шахсан Президент Мирзиёев

Норозилик намоишига чиқиш Ўзбекистонда ҳамон хатарли

хабардорлигида ўтганлигидан далолат беради.

Мирзиёев 15 ноябрда, Яккасарой суди аксия ташкилотчиларига маъмурий қамоқ жазоси белгиланган куни Тошкентда ҳуқуқ тартибот идоралари билан йиғилиш ўтказиб, Боровский коллежидаги воқеалар ҳақида гапирган, милиция, матбуот ишини ҳам танқид остига олган.

“Нега Боровский коллежи воқеаси бўйича зудлик билан жамоатчиликни хабардор қилиш чоралари кўрилмаган? Нега деганда эскича фикрлайдиган раҳбарлар бефарқлик қилиб, вазиятни олдиндан кўра билмаган. Нега биз интернетда ўқиб, кейин ҳаммамиз билдик. Бугун матбуотда бу ҳақда берилаётган хабарлар сифати, уларнинг таъсирчанлиги, умуман ҳуқуқ тартибот идоралари, матбуот хизматларининг фаолияти талабга жавоб бермайди”, – деган президент бу йиғилишда.

Ҳуқуқ фаоллари Боровский воқеаси ҳақида гапирган президент аксиядан ҳам, бу аксия ташкилотчилари қамоқ жазосига ҳукм қилинганидан ҳам яхши хабардор деб ҳисоблашади.

Ўзбекистонда турли норозилик аксиялари ўтказган фаоллардан бири Малоҳат Эшонкулова назарида Бобур боғидаги аксия ташкилотчиларининг орадан ярим йил ўтиб жазога тортилиши бевосита тепадан юклатилган топширик.

“Нима учун бугунга келиб ҳуқуқат бу аксия ташкилотчиларига эътибор берди? Чунки, биз ҳозиргача фақат кичик гуруҳларда турли норозилик аксияри ўтказиб келаётган эдик, аммо бу аксия жамоатчиликни эргаштирди ва халқ тошиб кетиши мумкинлигини янги ҳокимият сезиб

қолди. Шунинг учун ҳам бирданига чора кўриш бошланди. Бир нарсани билинг, Бобур боғидаги аксиядан, аксия ташкилотчиларига маъмурий қамоқ, жарима белгиланганидан тепа жуда яхши хабардор. Ҳозиргилар ҳам фақат тепага қараб иш қилади, бундан тепа беҳабар дейишса, мен ишонмайман. Ҳозир одамларнинг норозиликка чиқиш эҳтимоли шунчалик кучайганки, ҳуқуқат эртага буни бостириб қололмаслигини сезиб қолди”, – дейди Малоҳат Эшонкулова.

Бобур боғидаги норозилик

чиқиши Жасурбек Иброхимовнинг онаси ижтимоий тармоқда қилган мурожаатидан кейин бўлди. Бу фожеадан таъсирланган фаоллар адолат таъминланиши талаб қилинган петиция имзолаш учун фожеага бефарқ бўлмаганларни Бобур боғида тўпланишга чақиради. Шу йилнинг июн ойида ўтган бу аксияда юздан ошиқ киши тўпланди, намоишчилар ҳуқуқ тартибот идораларига арз қилди. Натижада коллеж раҳбарияти ишдан бўшатилади. Жасурбек Иброхимовни калтаклаган курсдошлари ҳибсга олинди ва бу иш юзасидан суд қарори ҳам чиқарилди.

Намоишда кўтарилган талаблар бўйича тергов-суд ишларининг яқунланиши ортидан аксия ташкилотчиларининг ўзига ҳам чора кўрилиши жамоатчиликка йўналтирилган ишора сифатида баҳоланмоқда.

“Ҳокимият ҳар қандай аксияга сиёсий баҳо беришга ўрганиб қолган. Бу аксияга ҳам муносабат худди шундай бўлди. Одамлар оқимининг кўпайгани уларни чўчитиб қўйди. Жазолашга қарор қилишди. Нима учун? Чунки эртага яна кимдир адолатсизликка учраса, худди улардек қалқиб майдонга чиқмаслиги учун. Келажакни ўйлаб, янги ҳуқуқат жазо чораларини қўлламоқда. Президент ҳуқуқ-тартибот идораларини жамоатчиликни хабардор қилмагани учун эмас, ўз ҳуқуқидан фойдаланган фуқаролар жазо тортилгани учун танқид қилиши керак эди. Сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланган фуқаролар жазоланаётгани учун уларни уришиши керак эди”, – дейди Эшонкулова.

Манба: Америка Овози



Муаммони бартараф этишнинг энг биринчи йўли, муаммо борлигини тан олиш...

Кўп эмас, икки йил аввал муаммолар ҳақида ёзганлар, муаммоларни олиб чиққанларни ношукрликда, қора кучлар таъсирига тушганликда, ватан хоиниликда айбланар эди. Муаммони очиклаган, муаммони гапирганни бошига муаммолар солишга ҳаракат қилинарди.

Алҳамдулиллаҳ. Холат ўзгарди. Одамлар муаммоларни бемалол айта оляпти. Муаммоларни олиб чиқяпти. Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб этяпти. Президент таълим тизимида, соғликни сақлаш, суд-ижро тизими, прокуратура, орган, кўйинги, барча соҳаларда муаммо қалашиб ётганини, ўтган йиллар давомида фақат қарсак чалингани, ишга совуққонлик билан ёндошилгани ҳақида қайта ва қайта гапиряпти.

Энди ҳеч ким шукр қилишга чақирмай кўйди. Ҳеч ким муаммони гапирганни оғзига урмаяпти. Муаммолар шу қадар кўп айтилганидан, фақат муаммолар ҳақида ўқиямиз, эшитаямиз, кўряпмиз.

Аввал шукр қилишга чақирганлар, аввалги холатдан буткул розиларга бу нарсалар ёкмаяптими, ёки бошқа омил борми, билмадим. Улар ҳам бир нима дейиши керак-ку, тўғрими? Энди улар янги усулга ўтишди “муаммони гапиряпсанми? Унга ечим ҳам бергин”. Бир қарашда

тўппа-тўғри гап. Муаммога ечим бериш керак. Йўкса у муаммолигича қолаверади. Ечимни ким бериши керак? Қаерингиздир оғриди, сиз оғриган жойингизни шифокорга кўрсатасиз. Шифокор ташҳис кўяди ва муолажани бошлайди. Мен ҳеч қаерда кўрмаганманки, шифокорга белингиз оғригидан шикоят қилсангиз “ҳўш, бемор, қаерингиз оғрияпти, деб ўйлайсиз? Нима учун оғрияпти? Уни қандай қилиб тузатса бўлади?”, деган докторни кўрганмисиз?

Сиз касалликни, нима учун оғриётганини, қандай тузатиш мумкинлигини билсангиз, унда шифокор нима учун керак?

Муаммони бартараф этишнинг энг биринчи йўли, муаммо борлигини тан олиш. Охири вақтда телевизорда кўрсатилаётган амалдорлар билан суҳбатларнинг жуда кўпида, муаммолар инкор этилади.

Мана шунинг учун аввал уни тан олиш керак. Муаммони тан олиш учун, муаммо ҳақида гапириш керак.

Бизнинг вазифамиз қаеримиз оғриётганини аниқ кўрсатиб бериш. Муолажа эса иш бошиларда бўлади.

Кўчалар асфалт қилинмаганини айтиш – бу муаммо.

Ўқитувчилар пахта даласига чиқарилаётгани, мажбурий

меҳнатга жалб этилаётгани – бу муаммо.

Шифокор ойлиги паст экани, зарурий тиббий анжомлар билан таъминланмагани, хизмат кўрсатиш паст эканини айтиш – бу муаммо.

Диний ибодатлар, хижоб, намоз, болаларни масжидга киритилмаслиги, диний эркинлик бўғилгани – бу муаммо.

Бу муаммоларни ечими, муаммони олиб чиққанларда бўлса, унда шу соҳа мутахассислари амал курсисидан нима қилиб ўтирибди? Муаммога ечим излаш, катта халққа оталик қиладиган давлат аталмиш оила бошини муаммоси эмасми? Ахир биз анархияда яшамаймиз-ку?!

Оилада фарзандингизни пояфзали йиртилса, бу ишдан сизни оғохлантиради. Билдириш беради. Бу муаммони ечимини эса ота бўлмиш сиз қидирасиз. Болангиз ўқишини ташлаб, пояфзал учун пул топгани кўчага равона бўлмайди.

Болангиз қорни очса йиғлайди. Йиғламагунча кўкрак тугилмайди. Муаммони айтган фарзандингизни бошидан муаммони аритишга имкон даражасида ҳаракат қиласиз. Бу ҳақиқий отанинг вазифасидир. Давлат ҳам ўз миллатини отаси.

Отангиз ўгай бўлмаса, муаммони айтишингизни ўзи кифоя қилади. У сиз учун муаммо ечими ҳақида бош қотиради. “Йўқ, болам, пояфзалинг йиртилмаган, сен яхшилаб қара, туппа тузик турибди”, демайди. Оёғингиздан сув ўтиб кетганини кўриб, индамай, тескари қараб маишат қилмайди!

Отаси ўгайлар, “ўзинг учун ўл етим”, дейди-да, кўни-кўшни озгинадан пул ташлаб, бошқа линиядан газ тортгани пул йиға бошлайди.

Sayyid Islom
facebook.com

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов